

Эй мўминларнинг амири, суюнаверинг!



09:10 / 27.10.2019 1624

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар: «Умар розияллоҳу анҳу жароҳатланганида ҳузурига кириб, «Эй мўминларнинг амири, суюнаверинг. Чунки Аллоҳ сизга жуда кўп шаҳарларни бўйсундирди, сиз туфайли нифоқни бартараф қилди», дедим. У зот: «Амирлигим хусусида менга мақтов айтяпсанми, эй Ибн Аббос?» дедилар. Мен: «Йўқ, бошқа нарса ҳақида», дедим. Шунда: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен бу ишга (халифаликка) қандай киришган бўлсам, шундай чиқишни хоҳлайман, яъни на ажр, на гуноҳ билан», дедилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан